



Кения давлатида «Тажвидул Куръон» мадрасаси Бутун дунё Тахфизул Куръон уюшмаси хамкорлигида мадрасанинг 68 та битирувчи талабалари учун тадбир ташкил этди. Тадбирга президент маслахатчиси жаноб Билу Киру, Ахборот агентлиги раиси ўринбосари жаноб Салим Шўрш, Саудия элчихонасидаги маданият атташеси мудир устоз Хусайн ибн Алил Факих, Кения парламенти аъзоси жаноб Нусрат Иброхим, Уюшма вакили устоз Фаррос Солим Сафарий, Куръон ва унинг илмларига дахлдор кишилар, ўқитувчию талабалар ва бир канча маҳаллий аҳоли вакиллари ташриф буюришди. Тадбир Куръони Карим тиловати билан бошланди. Тадбирда катор маърузалар килиниб, унда Бутун дунё Тахфизул Куръон уюшмасига миннатдорчилик билдиришди. Сўзга чикканлар битирувчи хофизларни табриклар экан, уларни доимо Куръон тиловатида, унга амал килишда ва унинг хизматида бардавом бўлишга ва мажлисларда етакчи бўлишга ундашди. Тадбир сўнгида эса аълочиларга мукофот ва совгалар топширилди.

Манба: www.hqmi.org